

Хушбоқ РАҲИМ

ТОУРТОН

Шеърлар, баллада, достон

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт
жамғармаси нашриёти
Тошкент — 2002 йил

84(5У)6-5 22 диний адабиёт
2 Шеърлар

Хушбоқ РАҲИМнинг қайноқ ва жозибали шеър-
лари гўзал ва ранг-баранг расмлар дастасига ўх-
шайди. Расмнинг ҳар бир чизиғи жонланишга шай-
ланиб тургандек — ҳар бир мисра сўзлаб юборадиган-
дек.

Шеърларни ўқиганингиз сари шоирнинг қалб
торлари, дард ва оғриқлари сизнинг юрагингиздаги
дардлар билан мулоқотга киришганини сезмай қола-
сиз.

Шеърятнинг асли маъноси ҳам балки, шунда
бўлса керак. Яхшиси, ўзингиз ўқинг, фикрланг, мушо-
ҳада қилинг ва муаллиф билан дўст тутининг. Асло
афсусланмайсиз.

W 31977
1

20.06 4465	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MB
---------------	--

© Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси нашриёти

МАНЗАРА

Замин тулпор, мингашган тоғлар
Қор остида уларнинг юзи.
Рўпарамда кўли Искандар —
Мўйсафиднинг киртайган кўзи.
Азим қирлар пешанадай дўнг,
Табиатнинг нағмасидан лол.
Найзасимон қоялар — ола
Босмачакмон кийиб олган чол.
Тойпахтадай қатлам-қатлам қор,
Музлик, арча топишиб кетган.
Исканжада заранг томирлар
Тошжинсларга ёпишиб кетган.
Курашларнинг ҳовури туман,
Бирлашган жон хатардан холи.
Шарқираган ўйноқи дарё —
Донишманднинг кумуш соқоли.
Ҳаёт-мамот, қоялар собит
Кўқда куёш серрайиб қолди.
Кунга кўзгу чавандоз тоғлар
Тулпорини қучоқлаб олди.

ШЕЪРИЯТ

Таниқли шоир Сирожиддин Саййидга

Болга ўч аридай сайр этиб гулшан,
 Қанчалар китобни кўрдим бобма-боб.
 Ёшим чилласида мени шеърият
 Сўзлар оловида айлади кабоб.
 Юрагим кўзида толадек илинж,
 Назмунни қуёшлаб, ойлаб қўйган дил.
 Оловланган олам тилла узугин
 Шеърият жомига жойлаб қўйган дил.
 Дўнгликка интилдим, қаҳрабо чўққи,
 Тўполон бошида каклик нолиши.
 Ипакдай чийралган шеърда онанинг
 Қиссалар сўзлади эски калиши:
 «Интигим пойида эзилди лаҳза,
 Армон хуржунида ўнгмас хатоси.
 Кўрғошин мисоли қотиб кетган қир,
 Тепалик пастиди шўрлик отаси.
 Ёнимда хўрсинган шоир боламнинг,
 Насибаси сийлов, ошлардан бўлсин.
 Улфатлари улуг, севгани сулув
 Йўли бахмал, боши тошлардан бўлсин»,
 Тариқлар ўрнида қайроқи буғдой,
 Оналар саҳарлар хамирлар қорди.
 Бир замон-одамзод кўрмаган кулфат,
 Тошдай хом анорлар кўксини ёрди.
 Қозонсиз қоврилди табиат сўнгсиз,

Бенисбат кўргилик тошдил, гадодан.
 Ўн йиллар бўғизда моғорлаган сўз,
 Заҳар, дуд ёмғири Турсунзодадан¹
 Мирзонинг пойида ёпишган зулук,
 Пажмурда сийратли шайтонлардан қув.
 Чириган марказком, чиранган язид,
 Саробдан сувдаги балиқ, бағри сув,
 Пахтадан гап очманг, кузаки экин
 Майсалар сарғайиб бели букилди.
 Кенг яйлов, даштларда чалажон тойчоқ,
 Заҳардан сигирлар тиши тўкилди.
 Пашмакка айланди новдада ғўра
 Жигарлар эзилди, излай бошладим.
 Зарурат куч бўлди, қирдаги алвон
 Баҳорни Сурхонга боғлаб ташладим.
 Баҳорлар кетмагай Сурхон элидан,
 Ҳасаду хатарлар кўзини ўйдим.
 Уста Тожиддиннинг дастгоҳларида,
 Ноумид шайтонни қиймалаб қўйдим.
 Бир замон-бир қатор ораста ҳовли,
 Кенг, очиқ дарвоза, эшиклар кўрдим.
 Аёллар қўлида гулдай чақалоқ
 Хоналар тўрида бешиклар кўрдим.
 Қувонч гирдобида гириллаб мени,
 Энг тоза тонг мисол сингиллар қучди.
 Райҳон гулларидай гуллади ишонч,

¹ Алюмин заводи назарда тутилган

Иймондай покиза кўнгиллар қучди.
 Қоплондай ҳайбатли бўрибосар ит,
 Қўшнидан қўшнига қадим дарчалар.
 Исириқ, кўзмунчок, мўъжаз туғдона,
 Минг йиллик, юз йиллик заранг, арчалар,
 Минг йиллик чинору минг йиллик удум,
 Минг мақом, минг ғазал нурдай шайланди.
 Сурхонга интилган турнакўз булоқ,
 Минг жилға, минг жилва шеърга айланди.
 Ҳисортоғ белини кучган камалак,
 Дарёларнинг ишқдан ортиқ ғами йўқ.
 Пистанинг чўғидай чирсиллаган шеър,
 Тафти баланд, авжи осмон, ками йўқ.
 Қатор чилдирмадай чертилган ҳар сўз,
 Имолар остида эгарланган от.
 Муштарий мисоли абадий Ватан,
 Коинот буржида мустақил ҳаёт.
 Кексалик замондай забтидан қайтмас,
 Шеър шавқи, шоирлар хуморидаман.
 Дунёлар турганча барҳаёт Сурхон,
 Заминнинг кўзмунчок, туморидаман.

КАКЛИК

Қалбим, озор берма, сулув какликнинг
Баҳор, ёздан огоҳ кузу қиши кўп.
Ҳали сен билмаган тоғда уларнинг
Ошкора, пинҳона савоб иши кўп.
Юрагим, ибрат ол, саҳардан улар
Борлиққа малоҳат бериб юрибди.
Заминга залвори тушмасин дея
Тоғларнинг тошини териб юрибди.

Боладай тикилдим, арчазор қирлар
Қўрғошин булутни тиглаб турибди.
Бенисбат булутдан тоққа чўккан қор
Арчанинг пойида йиглаб турибди.
Арча ичи, тиши бир дунё тўфон,
Изғирин, қуюнлар курашларга тан.
Тана-ю томирдай киришиб кетган
Чуқур илдизларда, бошларда Ватан.
Ватан ардоғида мен билан арча,
Пишиқ жуссаларда жасорат изи.
Тупроқнинг жинсдоши, тоғлар жинсдоши —
Муқаддас заминда ҳаёт илдизи.
Эт билан тирноқдай замину замон,
Арчалар авжини қайириб бўлмас.
Қон учун, жон учун вужуддир Ватан,
Юракдан ҳаётни айириб бўлмас.

СУРХОНДАЙРОЧА СУҲБАТ

— Кўп анғидим¹ қиёфада
 Гана² тупроқ, гана қийсиз.
 Юрагим гаши хотин-қиздан,
 Дуч келганин эна дейсиз.
 — Ҳайратланманг, дунё ёлғиз,
 Бир нуқтада кенг олам тўп.
 Ростин айтсам, менинг энам
 Чор унсурдан биттага кўп.
 Чор унсурда чексиз чашма,
 Унда улуш, ошим ётган.
 Эна зоти вужудида
 Менинг жисму ёшим ётган.
 Тирик жоннинг бари тандош
 Тоғу тош ҳам ийир³ бари.
 Дала, дайро, буғдой, пахта
 Чаман-чаман чийир⁴ бари.
 Мусалсалдай⁵ эналарим
 Дамгоҳ⁶ мисол йўлдан ўтгай.
 Оёғимга тўзим тилаб
 Кўлларимга райҳон тутгай.

1 *Анғидим* — пойлаб қузатдим

2 *Гана* — баъзан

3 *Ийир* — доривор ўсимлик тури

4 *Чийир* — из, ўтилган йўл

5 *Мусалсал* — бир-бирига занжирга ўхшаб
 киришиб кетган.

6 *Дамгоҳ* — дунё.

ЧЕРТДИМ ҲАЁТ ТОРИНИ

*Ўзбекистон Республикаси халқ
ўқитувчиси Саломат Бобохоновга*

Халқим суйган райҳон, хиналар
Мусо, ал Фарғоний, ибн Синолар.
Бухоро, Самарқанд, Термизу Хива
Оқсарой мисоли машҳур бинолар.
Қанча гул, қанча ранг, чинорларим тўп
Юртда балогардон, хизрларим кўп.

Юртимнинг тоғу тош сойлиги қанча,
Алпомиш, Гўрўғли, тойлиги қанча.
Ўтмиши ибратли, бугуни бутун
Жаҳонни жамлаган бойлиги қанча.
Қанча гул, қанча ранг, чинорларим тўп
Юртда балогардон, хизрларим кўп.

Сурхоннинг қишида гуллади бодом
Тўполон, Жайхундай, чақмоқдай қадам.
Чўллари чамандай, боғлари ларзон
Мустаҳкам устундай одамга одам.
Қанча гул, қанча ранг, чинорларим тўп
Юртда балогардон, хизрларим кўп.

Ватанда мен чертдим ҳаёт торини
Халқимнинг ғуруру номус-орини.
Қалбимнинг қонидай синашта ҳаёт
Бошимга кўчирди тоғлар қорини.
Қанча гул, қанча ранг, чинорларим тўп
Юртда балогардон, хиэрларим кўп.

Искандар, Қутайба, Чингиз бизга ким,
Тарихда адолат, яхшилик босим.
Мустақил Ватаннинг таянчи тинчлик
Оламга овоза ҳайқириқ, сасим.
Қанча гул, қанча ранг, чинорларим тўп
Юртда балогардон, хиэрларим кўп.

12
ҲАҚИҚАТ

Айланган замини бетиним тупроқ
Барчага нону ош, айвон¹ бўлади.
Туғилиш, паймон бор, лекин муҳитсиз
Инсоннинг фарзанди ҳайвон бўлади.
Кўзни қисган билан ҳақиқат қайсар
Юракда бесўроқ ғаффо бошлайди.
Сут, алла, тарбия кўрмаган манкурт
Отани, онани ғажиб ташлайди.

1 *Айвон* — қаср, сарой маъносида.

13
ИСТИҚЛОЛ

Орзу, умид, ишончларнинг
 бошидирсан, Истиқлол,
Курашларнинг ширин-ширин
 ошидирсан, Истиқлол.
Ёдномалар ёдлаб олган Чўлпон,
 Фитрат, Усмон ҳам,
Халқимнинг Сен аччиқ-аччиқ
 ёшидирсан, Истиқлол.
Ягона халқ кенг жаҳонда бир
 тизим тузгуси ҳам,
Қонун, адолат, тўкинлик
 шу тизим кўзгуси ҳам.
Кўзгулар кўксида ҳаёт —
 эзгунинг эзгуси ҳам.
Ватаннинг Сен қалби, кўзи
 қошидирсан, Истиқлол.
Бобомерос — қадрият, шу
 Ватаним — шаъним учун,
Осмонлари ойдаи ошна
 тупроқ, сув-танним учун,
Куйганлар кўп, куйиб бўлди,
 жизгинак ғаним учун,
Сен Хушбоқнинг ақлу амал
 тошидирсан, Истиқлол.

ЁШЛИК

Туғилгандан тупроқлараст
 Олов, сувга топинганман.
 Дарбанд¹, қирда марол² мисол
 Қишда қиров ёпинганман.
 Ёшлик, сендан ўзиб кетдим,
 Қулоғингдан чўзиб кетдим.

Вужудимда оқди армон,
 Зилванг³ дардни элга айтдим.
 Манглайимни силади халқ,
 Юлдузгача бориб қайтдим.
 Ёшлик, сендан ўзиб кетдим,
 Қулоғингдан чўзиб кетдим.

Вақтни бошга салла қилдим,
 Дилни ортиқ қистамайман.
 Топинганим табиат, мен
 Кексаришни истамайман.
 Ёшлик, сендан ўзиб кетдим,
 Қулоғингдан чўзиб кетдим.

1 Дарбанд — тоғдаги энг оғир, тор йўл

2 Марол — хийик

3 Зилванг — оғир, зилдан-зил.

15
ТОҒНИ КЎРДИМ

Фалсафа фанлари доктори,
профессор, устоз
Абдурахмон Ортиқовга

Тоғни кўрдим, баланд-баланд тоғ
Кўмкўк майса, баҳор, айна туш эмиш.
Чирлинган, ҳайқирган, ҳайбатли дарё,
Боши, бандин топмоқ мушкул иш эмиш.
Менга Сиз жасорат тилаб қўйдингиз,
Отадай бошимни силаб қўйдингиз.

Юксакка тирмашдим узоқдан - узоқ,
Пайларим арқондай эшилиб кетди.
Чақир тиконакдай қиррали тошлар,
Товоним ғалвирдай тешилиб кетди.
Менга Сиз жасорат тилаб қўйдингиз,
Отадай бошимни силаб қўйдингиз.

Сафарга отланган қуруқ қайтмайди,
Чопганнинг улуши-улоқча экан.
Тоғ оша энг юксак тоғлардан топдим,
Дарёлар дунёси-булоқча экан.
Менга Сиз жасорат тилаб қўйдингиз,
Отадай бошимни силаб қўйдингиз.

ТЎРҒАЙЧАМ

Йўрғалаган, Тўрғайчам,
Узоқлашма қайта қол.
Парвонангман, тортинмай
Юрагингни айта қол.

Тўрғай деди: «Одамлар
Томошадан тўймайди.
Кўпи дидсиз, мени ҳам
Ўз ҳолимга қўймайди.

Куни кеча иккиси
Онам патин артдилар.
Ёгда уни қовуриб,
Дастурхонга тортдилар.

Дастурхонга қадалган
Мужгон — найза, кўзлар ўқ.
Хижолатда табиат,
Одам, Сенда инсоф йўқ!».


ЖОН ФИДОНГМАН

Тарих, миллий битик, хатларим билан,
 Кабутар, қалдирғоч патларим билан,
 Қадимдан ҳозиргача намуна, ибрат
 Фиркўк ҳам Бойчибор отларим билан
 Жон фидонгман, жоним юрт.

Тоғу тошда ўйнаб оҳудай чопган,
 Энг оддий хас,чангдан ҳикматлар топган,
 Заминга баҳордай гулдан тўн ёпган,
 Бобом ҳам қариндош, ётларим билан
 Жон фидонгман, жоним юрт.

Тубсиэ тиниқ чашманг кўзимга ўхшаш,
 Булбуллар сайраши сўзимга ўхшаш,
 Пахтазор, кенг даланг ўзимга ўхшаш,
 Қовун-тарвуз шира, тотларим билан
 Жон фидонгман, жоним юрт.

Тупроғинг хазина, аждодлар зари,
 Бағрингда янтоқ, гул, зеҳним болари,
 Азалдан ўнг ҳам тере ҳаёт — кўлқари



Истиқлол, истиқбол — зотларим билан
Жон фидонгман, жоним юрт.

Сайхун, Жайхун сендан бўсалар олди,
Рухсорингдан равза ўйларга толди,
Қувончдан қуёш кенг кўксимда қолди,
Ҳилолдай эгилган мотларим билан
Жон фидонгман, жоним юрт.

ТИЛАГАНИМ

Юмуқ—қирдан писта тердим тузуги йўқ,
 Дуч келмасанг тоғу тошнинг бузуғи йўқ,
 Юрган йўлинг тоштахтадай равон магар
 Ҳаётингнинг менга қилча қизиги йўқ.
 Тилаганим — танда тоқат тўлмасин,
 Фаришта деганинг шайтон бўлмасин.

Қадамда қуттоут-тариқ¹, ўйга толгин,
 Яхши-ёмон йўлчи билан ҳампой² қолгин.
 Юрган йўлинг каж³, ганг⁴, чуқур ё баланд, тик,
 Ўтганлардан қайта-қайта сабоқ олгин.
 Тилаганим — танда тоқат тўлмасин,
 Фаришта деганинг шайтон бўлмасин.

Ҳаёт — йўлдир, келди-кетди тизилди кўп,
 Кўплар билан ошим бирга сузилди кўп,
 Иложим йўқ менга улфат газзоб, ҳақир,

1 Қуттоут-тариқ — йўл тўсувчи, ўғри.

2 Ҳампой — йўлдош.

3 Каж — эгри, қинғир.

4 Ганг — қинғир, қийшиқ.

Юрак бағрим ич-ичидан эзилди кўп.
Тилаганим — танда тоқат тўлмасин,
Фаришта деганинг шайтон бўлмасин.

Билганга юрт — бойлик ёки жойда эмас,
Гўзалликка фақат осмон шайдо эмас.
Магар юрган йўлинг боғу бўстон, жаннат
Заҳматталаб зехнинг хароб, фойда эмас.
Тилаганим — танда тоқат тўлмасин,
Фаришта деганинг шайтон бўлмасин.

ГУЛБАҲОР ЧИҚСИН

Ойнаи жаҳоннинг қаршисида
кутмоқда он, Гулбаҳор чиқсин.
Ҳар лаҳза сабри тутдай тўкилди,
кутмоқда сон, Гулбаҳор чиқсин.
Мукаррама¹ ҳамда Ҳабибадай²
халқчил хонанда Эркул қизи,
Қайсар қарчиғайдай бетоқат тан,
кутмоқда жон, Гулбаҳор чиқсин.

Илҳақ кўзим қарай-қарай тешди,
ҳар тош кўзмунчоқ дона мисол.
Илинж шами шамшодимни ёқди,
оташ дил ўтда хона мисол.
Оппоқ ҳар тонг тошиб-тошиб айтди
«Алла», аллачи она мисол.
Фазалхон юрт дарёси, даласи,
кутмоқда дон, Гулбаҳор чиқсин.

Қадим-қадим йўлда кутдим, шўху
хандон яйраб ўтди одамлар,

¹ Мукаррама Азизова,

² Ҳабиба Охунова.

Кўшиқ бўлган ҳар сўз қайроқ, зеҳни
 дилини қайраб ўтди одамлар.
Жаннатдай юрт, булбул мисол
 тўйиб-тўйиб сайраб ўтди одамлар,
Ҳар куни тўй-томоша, дастурхон
 кутмоқда нон, Гулбаҳор чиқсин.
Зар тупроқ, заргарим дунё, боғу
роғдан топганим ғунча бўлди,
Борлиқ бешик, Ватан — Она, бир
боқий³нинг тутгани шунча бўлди.
Жоним ўту алангада ёниб-
 ёниб юрагим кунча бўлди,
Қуёшланган қиру қоя алвон,
 кутмоқда кон, Гулбаҳор чиқсин.

³ Боқий — оллоҳ маъносидда.

ДАККИ

Ризқ-насиба буклам-тахлам шу тупроқ—
 Юмшоқ йўргак, иссиқ бешик, хонангдир.
 Қор ортидан қиздай кулган Бойчечак—
 Бевақт кетган, қули касов онангдир.

Ёлғиз Жайхун, ёлғиз Сайхун, сўнгсиз сой,
 Сен яратган боғу роғдан бой, кўпроқ.
 Ҳаракатда терлар тўккан тирик зот,
 Чархпалак дунё — шу юрт, шу тупроқ.

Ўтган бобонг, кетган бобонг—шу тупроқ,
 Жисму жонин иймон дея ёққандир.
 Поклик учун момонг шўрнинг кўз ёши
 Ёноғидан маржон-маржон оққандир.

Қулоқ берсанг шундан сўзлар гул-гиёҳ,
 Еру кўқда унинг жаранг, садоси:
 Эй, одамлар, дастингиздан она ер
 Наҳот бугун меҳру шафқат гадоси.

Киндик қонинг томган тупроқ шу Ватан
Не истасанг, фарзандим деб тутмоқда.
Оқибатсиз инсон боис табиат,
Ер курраси меҳру нажот кутмоқда.

САЙЁРА

Элу юртда дил розини дарё
 мисол оқиб айтди Сайёра,
 Дўст-душманга қувончини
 юлдузлардай боқиб айтди Сайёра.
 Ёноғида, кипригида, қарашида
 коинотдай кенг маъно,
 Сўз мағзини Боботоғнинг пистасидай
 чақиб айтди Сайёра.

Нурдай нафис рўмолида Бойсун
 тоғнинг енгил-енгил гарди бор,
 Тонгдай тоза орзусида элга манзур
 Алпомишдай марди бор,
 Кўкси осмон кўкайида¹ ўзбегимнинг
 чўғдай ёниқ дарди бор,
 Баҳор қучган бахмал қирдай гулдан
 сирға тақиб айтди Сайёра.

Шеър-қўшиқнинг қаноти бор, учқур сўзни,
 қуш мисол, отиб бўлмас,

¹ кўкайида-дилида, қалбида.

Манзил аниқ, тошқин-тошқин
 тилаклар кўп, тиллага сотиб бўлмас,
 Юртни дилдан куйлаш учун фурсат
 етди, гафлатда ётиб бўлмас,
 Истиқлолнинг машъалидан юрагини
 ёқиб айтди Сайёра.

Ватан, Сенсиз жон-жаҳоним
 ҳаловатсиз, мисли мурча, ини йўқ,
 Сендан жудо қуруқ савлат, чумчуқ
 миждоз, эътиқоди, дини йўқ,
 Қўлтиғида икки дарё ўйноқлаган
 қадим юртсан мини² йўқ,
 Очиқ-ёпиқ эшикларни қаттиқ-
 қаттиқ қоқиб айтди Сайёра.

2 Мини- тенги йўқ, бебаҳо.

ЮРАГИМНИНГ ЁЗУВИ

Кўлда тупроқ — айнул ҳаёт¹
 Арк ё айвон бўлади,
 Сув юзининг сўғали кўп,
 бири Тайвон бўлади.
 Оилада тарбия кўрмаган
 инсон фарзанди,
 Мисли Тарзан, Маугли ё
 мисли ҳайвон бўлади.
 Ўйлаб-ўйнаб, ёна-ёна
 юрагимни ёздим мен.

Туғилгандан назари оч,
 пулга тушган ўғилдан,
 Сохта мақтов манқал²ида
 хумдай пишган ўғилдан,
 Олудалиқ³ босқонида
 мешдай шишган ўғилдан,
 Ота-она куя-куя кўмир
 ё қон бўлади.
 Ўйлаб-ўйнаб, ёна-ёна
 юрагимни ёздим мен.

¹ Айнул ҳаёт — тириклик булоғи

² Манқал — оташдон

³ Олудалиқ — ифлослиқ, булганганлик

Манфаат гирдида ҳар жон
 емхӯр отдай айланар,
 Эҳтиёж, имкондан инсон
 сафарларга шайланар.
 Тома-тома тубсиз дунё
 ташна дилга жойланар,
 Фарзона⁴, хурдадон⁵, нофиз⁶
 ҳоким ё хон бўлади.
 Ҳйлаб-ҳйнаб, ёна-ёна
 юрагимни ёздим мен.

Кенг олам ганг, туғри, айқаш,
 ҳеч ким ортиқ кам демас,
 Лекин биров шафқатталаб,
 бирова зиқна, нонемас.
 Кўкрагимдан кенглик томон
 ўқдай учган нидо, сас.
 Ватанни севмаган ким бор,
 унга ёмон бўлади!
 Ҳйлаб-ҳйнаб, ёна-ёна
 юрагимни ёздим мен.

4 Фарзона — билимли, англи

5 Хурдадон — назик феҳрловчи

6 Нофиз — ўлмир, таъсирли, кучли

ХУМ

Бобомлардан кекса қадим Далварзин,
 Кушонларни кўрган уюм-уюм кум.
 Шу тупроқ, шу олов, шу ҳаво, шу сув,
 Жуссаси жигарранг одамбўйи хум.
 Тикилсанг, тикилиб йиллар туради,
 Безабон, бемалол суҳбат қуради.

Хумларга суқландим кўксига чертиб,
 Хумлар ҳам кўзимга қарадилар лол.
 Қувончу қайғуси тарих мисол тинч,
 Лойининг ҳар гарди - боши хумдай чол.
 Хумлардан мурувват, мўъжиза кутдим,
 Хумларга кўзгудай қалбимни тутдим.

Ҳар хумда ҳисобсиз қадимий ҳикмат,
 Одамлар қалб кўри қоришиб кетган.
 Пишиқ вужудида қадоқ қул изи,
 Бенуқсон, бешикаст бизгача етган.
 Лоянфак¹ шу олов, ҳаво, сув, тупроқ,
 Бирлашган яшайди хумлардан кўпроқ.

¹ Лоянфак — бир-бирига киришиб кетган, ажралмайдиған.

ДАВЛАТИМ

Ҳар кимки тер тўқди, молу жой, уйлик,
Ҳар кимнинг мўлжали меҳру сахийлик.
Юртим, юрагимнинг ёши Истиқлол,
Халқимни алқаган бошдан боқийлик.
Ҳар она ардоғи ўғил-қиз бўлди.

Ҳар зарра бағридан юлдузлар кулди,
Ҳар япроқ изидан илдизлар кулди.
Юртим, юрагимнинг ёши Истиқлол,
Халқимнинг тонгидан кундузлар кулди.
Барча эл тантомир, бир жон, бир бўлди.

Юрту эл ўрни ҳам ўзини топди,
Кун, зиё зехнимга зардан тўн ёпди.
Юртим, юрагимнинг ёши Истиқлол,
Излаган, ахтарган бахтини топди.
Ёноқлар юлдуздай ёруғюз бўлди.

Юздан юз куч бўлди нафис наволар,
Малҳамга айланди мрамор ҳаволар.
Юртим, юрагимнинг ёши Истиқлол,
Мендан-да қувонган кампир, боболар.
Хушбоқнинг давлати—битик, из бўлди.

ЧИНОР КЎЧАТИ

НУСРАТИЛЛОГА

Қайсар қиш энг аввал ҳувиллаган боғ,
Тунука, том билан тиллашиб чиқди.
Сарпойчан, чирпинган чинор кўчати,
Тун бўйи муз билан беллашиб чиқди.

Безовта, беармон мен ҳам тўлғандим,
Юрагим кўксимни тепиб турибди.
Қарасам, тонг чоғи дунё-дунё зар,
Кўчатнинг пойини ўпиб турибди.

Қаттиқ курашлардан қишнинг қуюни,
Енгилди, ноилож изғишдан тўйди.
Қиш, қуюн баҳона шул кўчат менга
Ҳаётда яшашни ўргатиб қўйди.

ЎЗГАРИШ

Оқар дарё мисол оқди қанча он,
Мен Раҳим ўғлиман, Сиз Қодир қизи.
Дунёда энг собит биз эмас, тупроқ,
Урвоқда имкон ғуж, ҳаёт илдизи.

Тупроғу одамзот, тану томирдош,
Оҳудай қоялар узра юрибсиз.
Китоб — сизга таянч, қалам — суянчиқ,
Камалақдай тўлқинланиб турибсиз.

Ер ўқи — заррабанд, фалак — тегирмон,
Бир ёни уммону, бир ён уну гард.
Океандан соғиб китнинг сутини
Баъзида қайнатиб ичмоқда фарзанд.

Сутнинг томчисида гирдоб, гирдибод,
Коинот синчиклаб кўздай кузатди.
Заминда ўзгармас зарра йўқ, ҳатто
Тупроқ букрини ҳам созлаб тузатди.

СУПУРГИ

Сен деҳқоннинг ўзидай содда,
Ишчан, абжир, пишиқ, қаттиққўл.
Кенг далада яйрадинг эркин,
Ҳосилинг ҳам роса мўлу кўл.

Ой, қуёшдан сенга нур оқди,
Осмондан ранг энди ийнингга.
Қирғовулдай қизардинг ял-ял,
Ўроқ тушди, бирдан бўйнингга.

Деҳқон хурсанд, саралаб сайлаб,
Ихлос билан терди патингни.
Пўлат симдан белбоғлар боғлаб,
«Супурги» деб қўйди отингни.

Супургим, кел, илҳақ юрагим
Юлдузлардай оёқда турсин.
Келажакка мунтазир халқим
Тонгдай тоза йўллардан юрсин.

ХОЛМАМАТ

Култепалик, кундай таниш Холмамат
Дехқон, ошпаз, уста, овчи, чапани.
Гапни дўндиради, лекин турмушда
Саройга алмашмас қамишкапани.

Миқти, қайроқмушул, меҳнат полвони,
Зарбидан мўл ҳосил булоқ очади.
Кўқдай кенг далада одам-ку одам
Ёнма-ён ишлашдан қуёш қолади.

Қиличнинг тигидай ўткир, зарби зўр,
Файратидан киши ўйга толади:
Холмаматдан учта бўлса Шўрчада
Омборларга ғалла сиғмай қолади.

БИЗНИКИДА

Жилвасида юз жаннат жам
 катта бўстон бизникида,
 Жаҳон мулки оддий битик,
 катта дoston бизникида.
 Қалбга сиғмас кенг оламни
 она мисол аллалаган,
 Момо Ҳаво мафтун кетган
 катта мастон бизникида.
 Мен оламни кузатсам гар
 кўзим билан биргадир у,
 Яхши-ёмон сўз айтсам гар
 сўзим билан биргадир у,
 Катта-кичик давраларда
 ўзим билан биргадир у,
 Оёқ қўли кишанланган
 иложсиз он бизникида.
 Гулдастадай дасталадим
 юрагимнинг хатини мен,
 Кеча-кундуз варақладим
 кекса тарих қатини мен,
 Фурур билан тупроқ дедим,
 Ватан дедим отини мен,
 Тупроқ билан, Ватан билан
 жамики жон бизникида.

ШАПКА

Имконларнинг дояси имкон,
Мақтанмоқнинг етишди гали.
Онажон, деб мен туғилган юрт
Фарзандларнинг кўпи шапкали.
Боболарим чигит экканлар,
Жигарларим шапка тикканлар.

Сайхун, Жайхун юрагимдай ёш,
Вужудимдай менга тандош юрт.
Хумо сути топилар бизда,
Не истасанг ўшани буюрт.
Боболарим чигит экканлар,
Жигарларим шапка тикканлар.

Тилагимдай тоза, тўкин юрт,
Ўтган кунни синчиклаб ўқи.
Қадамида қайнаган бойлик,
Урвоғидан дostonлар тўқи.
Боболарим чигит экканлар,
Жигарларим шапка тикканлар.

Юртим сахий, қўли очиқ эл,
Сал мақтасанг ийиб кетади.
Бешиқдаги қаро кўзим ҳам
Шапка топса кийиб кетади.
Боболарим чигит экканлар,
Жигарларим шапка тикканлар.

Пахта қисмат, толеим ҳунар,
Тонг юлдузин отиб олгум бор.
Бизда бошдан аялмас бойлик,
Коинотни сотиб олгум бор.
Боболарим чигит экканлар,
Жигарларим шапка тикканлар.

ГУЛИМ

Арча, заранг, писта, боғ,
Олача тўн — Боботоғ,
Қоқи, равоч, зира, зирк,
Гулим кундай ўктам, соғ.
Халқимдаги номус-ор
Бошқада йўқ, бизда бор.

Қадим тарих, урф-удум,
Далварзиндай катта хум.
Кушон, Румдан кексароқ
Гулим Сурхон, Жайхуним.
Халқимдаги номус-ор
Бошқада йўқ, бизда бор.

Тешиктош ғор, ўчмас из,
Алпомиш ҳам Барчин қиз.
Бойчибордан кўз-қулоқ
Элим — Бойсун, юрт — Термиз.
Халқимдаги номус-ор
Бошқада йўқ, бизда бор.

Гулим, гулда жам жаҳон,
Фунча лабдай қизар, ён.
Тоғдай буюк ифтихор,
Ватанимсиз чиқар жон.
Халқимдаги номус-ор
Бошқада йўқ, бизда бор.

ТЎРАЖОН

Мен Сизга беш кетдим
кўпдан, тўражон,
Ҳафтанинг ҳар куни
минбарда шайсиз.
Лекин даштга эмас,
шунча баланддан
Қаварган, меҳнаткаш
кўлга қарайсиз.
Сиз учун еру кўк
шундай қурилган,
Табиат ишланган,
тартиб бузмайди.
Сиз билан сийратдош,
қўрғондош мижғов
Силлиқ оёқлардан
кўзин узмайди.
Мени маъзур тутинг,
кулманг, тўражон,
Ўтмишнинг тухфаси,
суви сойида.
Амал келди, кетди,
неча минг йиллар
Дехқон ҳам чўкиртак
қўли жойида.

СЕВГИ

Йўқотсанг топилмас, нодир, тенги йўқ,
 Тан билан томирдай туташган шитоб.
 Вужуд-вужуддаги чақин, қайноқ қон,
 Юракни яйратиб ёндирғич, офтоб —
 Севги.

Инсон инсондирсан, она табиат
 Хамир, зувалангга жавоҳир¹ солган.
 Тириклик мероси ягона, улф
 Энг катта бобонгдан хазина қолган —
 Севги.

Ҳеч ким ўйнашмасин муҳаббат билан,
 Борлигингда маъдан—борлиқ қадар тек.
 Дунё-дунё туйғу, оташ ҳам алам,
 Юракдаги ялло, ишонч, рашку кек —
 Севги.

Юракдан юракка кўчган қадрият,
 Кўксингда минг кўзли булоқ очади.
 Кўзнинг гавҳаридай, лекин у фақат
 Лапашанг одамни ташлаб қочади —
 Севги.

¹Жавоҳир — моҳият маъносида.

ЎЗБЕК АСКАРИ

Қалбида ғурури, эгнида ҳаёт,
Сарҳаддан-сарҳадга қуш мисол учган.
Бир қарасанг тепа, бир қарасанг тоғ,
Бир қарасанг яйлов яшиллик қучган.

Бир қарасанг денгиз, бир қарасанг кўл,
Шишаранг тўлқиндай тошлар уюми.
Яна бир қарасанг саҳро, ғаллазор,
Ўзбек аскари ҳам унинг кийими.

Мазмуну ранг уйғун — юртим аскари,
Борлиқда бенисбат қоя, толмасдир.
Кифтида юлдузи чақнаган чўққи,
Заминдай замондан ажралмасдир.

ШОИРЛИКДАН ҚЎРҚАМАН

Нафақа ёш изимда ҳолсиз,
 Суянганим Ватаним — Онам.
 Алангада тобланган юрак,
 Шабнам ўпган ғунча баҳонам.
 Ёза-ёза очиги ҳамон,
 Шоирликдан қаттиқ қўрқаман.

Ҳаёт, сенда зеҳним зўр заргар,
 Йўқлардан бор айлашим аниқ.
 Қатра-қатра йиғиб оламни
 Бир нуқтага жойлашим аниқ.
 Ёза-ёза очиги ҳамон,
 Шоирликдан қаттиқ қўрқаман.

Шоирликнинг юки — зил-замбил
 Имкон, туйғу, ишқдан кўнгил тўқ.
 Халқим, юртдан қаризим талай,
 Инсон, сени билолганим йўқ.
 Ёза-ёза очиги ҳамон,
 Шоирликдан қаттиқ қўрқаман.

Пойимни ўпгандир ясан-тусан гул,
Баҳор оғушида алвон қирлар жим.
Одамга ўхшармиш азалдан гуллар,
Ранг айри, бўй айри — сифат, деди, ким.
Муқаддас тупроқда ҳар ғунча менга
Ранг, ҳидим пигменту гардлардан деди.
Кўзингни кулдирган қиёфам, сийрат
Одамлар юраги, дардлардан деди.
Гулларга тикилиб йўловчи мисол
Ҳаёт уммонини бўйлаб югурдим.
Индинга сиз-биздан қайси гул унар,
Чархпалак дунёни шеърга ўгурдим.

МЕҲМОННИНГ ТҮЙ ТАБРИГИ

Қибрай, Кирпичли, Яланғоч ота,
 Юракка иймондай чуқур чўккан юрт.
 Ҳар ота кўксини кўтарган ғурур,
 Ҳар она бошидан тилла тўккан юрт.
 Шошга Мурунговдан тоғ ошиб келдим,
 Қадим Зарафшондай сув тошиб келдим.
 Шерозий¹ эмасман, хамум² Бухоро,
 Сафарга баҳона севги, ёш бўлди.
 Қибрайнинг қизига куёв Эркинжон
 Тўйхона- Қорамурт³, янги Шош бўлди.
 Тўйга Мурунговдан тоғ ошиб келдим,
 Қадим Зарафшондай сув тошиб келдим.
 Ўтган-кетганларга кафил Наршахий⁴,
 Кавкабий⁵ кўзнинг оқ-қорасидадир.
 Усмон Кўчқор, Неъмат, Тошпўлат, Жамол
 Мен билан меҳмонлар орасидадир.

1 Шерозий - «Ба холи ҳиндуяш баҳшам Самарқанду Бухороро» деган Ҳофиз Шерозий назарда тутилмоқда.

2 Хамум - индамас, тинч, жойида

3 Қорамурт - кўчанинг номи

4 Наршахий - Бухоро тарихини ёзиб қолдирган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жъфар Наршахий (899-959).

5 Кавкабий - ХҮI асрда Бухорода яшаган мақомшунос.

Тўйга Мурунтовдан тоғ ошиб келдим,
Қадим Зарафшондай сув тошиб келдим.
Қибрайнинг қуми зар, тупроғи олтин,
Тер тукиб икки ёш олаверсинлар.
Бирлари қирғоғу бирлари дарё,
Замину сув мисол қолаверсинлар.
Тўйга Мурунтовдан тоғ ошиб келдим,
Қадим Зарафшондай сув тошиб келдим.
Компьютер асрида келин-куёвдан
Элу юрт эзгулик кутаверсинлар.
Дуогўй ота ҳам меҳрибон она
Уларга гулдаста тутаверсинлар.
Тўйга Мурунтовдан тоғ ошиб келдим,
Қадим Зарафшондай сув тошиб келдим.

САИДОЛИМ

Никоҳ—удум, никоҳ—қасам, никоҳ—давлат,
 Тўй, дастурхон тўкин-тўкин ошлар келди.
 Кенг даврада қушдай енгил мушфиқ онанг,
 Жисму жони жимир-жимир ёшлар келди.
 Ёнгинангда Умиданг куч, Саидолим,
 Муҳаббатнинг майидан ич, Саидолим.

Кайковус¹ сув товлай дедим, буролмади,
 Шўрлик отанг тўйингача туролмади.
 Яралгандан бугунгача бир кам дунё,
 Тақдир тахтин камчиликсиз қуролмади.
 Ёнгинангда Умиданг - суксур, Саидолим
 Садоқатнинг гаштини сур, Саидолим.

Умидларинг дарё, уммон, укажоним
 Сўзларимни меҳру ишонч, ҳаққа йўйгин.
 Сўровим бор—келиб кетган отанг ҳаққи,
 Онагинанг оёғига бошинг қўйгин.
 Ёнгинангда Умиданг қут, Саидолим,
 Иқболинг шу кафтингда тут, Саидолим.

¹ Кайковус — Тошкентнинг қадимги анҳорларидан бирининг номи.

МАКЕДОН КЎПРИК

Қаршимда аламдай қақшаган кўприк,
 Хаётнинг йўллари кўп қизиқ экан.
 Адолат кўчаси, афсус, қадимдан
 Босқинчи кўнглидай шум, бузуқ экан.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Марҳумга тош отмоқ ножоиз чиндан,
 Македон бу юртни хушлаган эмас.
 Кўприклар қурдирган, кўприк қурмаган;
 У қолип ё кирпич ушлаган эмас.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Тарих — қар, безабон уни бобомнинг,
 Қонли салласига қайта ўрадим.
 Кўприкни ким қурган, кирпичлар қайдан?
 Уларни юлдуз, ой, кундан сўрадим.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Коинот кўзлари зангранг кирпичлар
 Шўрчанинг шўр, кўкай, бойидан деди.
 Сойни қучоқлаган кеңг, қадим кўприк

Сурхоннинг сақичак лойидан деди.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Синчковлик кўзида фотиҳ лашкари
 Очофат аждардай Хисорни ялаб.
 Фаллага дуч келган чумолилардай
 Бор-йўқни юртига қочди орқалаб.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Тева, лаҳат қолди фақат у зотдан,
 Табиат қақшади — дала, йўллар ҳам.
 Босқинчи дастидан куйиб кул бўлди
 Бор қишлоқ, қалъа-ю қуруқ, хўллар ҳам.
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

Кўприклар кўпригу кирпичлар кирпич,
 Ҳаттоки чанг, кукун ёғийдан эмас.
 Азиз тупроғини, бобом қалбини
 Македон атади қайси нон емас?
 Оёғим узанги тоқасидадир,
 Қўлларим Искандар ёқасидадир.

АЛЛОМАЛАР ЎЛМАЙДИ

*Тор эрур кўнглим чумоли
кўзидек ҳажринг билган.
Адиб Собир Термизий.*

Чумоли кўзида кўз-кўз коинот,
Борлиқдан ҳар кимда насиба, улуш.
Болари нишида табиий малҳам,
Фунча дудоғида қимтинган кулиш.
Жаннатда гул сўлмайди,
Алломалар ўлмайди.

Кенг олам кўзгуси томчи-томчи сув,
Гуллола бағридан келажак боқди.
Мозийнинг мулкидай товланди ҳаёт,
Тўлиб-тўлиб тарих — ҳақиқат оқди.
Жаннатда гул сўлмайди,
Алломалар ўлмайди.

Айғоқчи анг¹ кетди, оёқда Отсиэ²
Санжар³ элчисини юрагим алқа.
Тош боғлаб рассомни гирдобга отди,
Хижолатда Жайхун ҳалқа-ю ҳалқа.

Жаннатда гул сўлмайди,
Алломалар ўлмайди.

Собирни соғинган Дуоба⁴, Термиз,
Она юрт — тупроққа қалб кўрин тўқдим.
Помирдан бошланган бўтана сувдай
Кўҳна Хоразмнинг кўксида чўқдим.
Жаннатда гул сўлмайди,
Алломалар ўлмайди.

Ғафлат, ғуборим йўқ — покиза кўнгил,
Интиқлик даштидан шавқу сафоман.
Тошларга осилиб тош кетган шоир —
Термизийни ҳар кун шеърдан топаман.
Жаннатда гул сўлмайди,
Алломалар ўлмайди.

1 Анг кетди — англаб улгурмади, ғафлатда қолди.

2 *Отис* — Хоразмшоҳ Отис адиб Собир Термизийни (1147 йилнинг кузида) кўкрагига тош боғлатиб, Жайхунга чўктириб ўлдирган.

3 *XII аср 40-йилларида Салжукийлар давлати бошлиғи, Султон Санжар.*

4 *Дуоба* — Адиб Собир туғилган кўна Термиздаги маҳалла (гузар)нинг номи.

ТУРМУШ БИЛАН СУҲБАТ

Меҳнат, муддаолар тўхтами турмуш,
Саломнинг ўрнини босмагай азон.

— Ота-она — қозон, сен эса коса,
Аслида косага сифмагай қозон.

— Мунча қиймаладинг қалбимни турмуш,
Ростдан ҳам косалар жойидадирман
Удум шу жисмимдан жоним чиққунча,
Ота ҳам онанинг пойидадирман.

Турмуш қаттиқ кулди, деди, она ҳам,
Отадан нафақа кутмоқда ўғил.

Қайнота қистови, қайнона шарти,
Топганин қайнига тутмоқда ўғил.

Тилимни тишладим, тутоқди турмуш,
Пешонанг қирғоққа қаттиқ урилган.

Ёлғонни дўндирма, жайдари йигит,
Ўзбек оиласи бир кам қурилган.

Лекин айтиб қўяй, ростланди турмуш,
Кексалар ғамдан ҳеч оғиз очмайди.

Қиёмат қувса ҳам ўзбек ўғлони
Ота-онасини ташлаб қочмайди.

ТИЛАК

Юраккинам чилдирма, тор
 Кетар бўлсам, қайтмоғим бор,
 Паст-баландда кундай кезиб
 Дўст-нодўстга айтмоғим бор.
 Жовринингди қирдай этгин,
 Давру даврон суриб кетгин.

Кундай кулган чечакларим,
 Чирмовуқ, ип-печакларим.
 Зуваласи кўз билан қош
 Жигар, жондош, ичакларим
 Дилни оппоқ дурдай этгин,
 Вафодан кўшк қуриб кетгин.

Жонга эгов. аррачалар,
 Юртга фидо заррачалар.
 Адолатдан иқбол топган
 Ўнлаб, юзлаб каррачалар
 Ишқни Сурхон, Сирдай этгин,
 Ҳар юракка сингиб кетгин.

Маъданлар кўп чугун қилдим,
 Кечаларни бугун қилдим.
 Ўн саккиз минг олам Сени
 Юрагимга тугун қилдим
 Жон, жигарни пирдай этгин,
 Кексаликни кўриб кетгин.

ШҶРЧА

Баллада

I

Даҳмардалик бизда Доқиюнусдан,
Дунё ташвишларин бардошга ўранг.

Шахмат, тилла, ҳайкал, сопол,
хумларни

Мен эмас Далварзин¹, Кушон²дан
сўранг.

— Шўрча³!

Кўлимда тепадай-тепадай тугун,
Ренисанс - юксалиш тарихий изда.

Ярқираб кўринган обида — жаннат
Равза боғбонлари яшаган бизда.

— Шўрча!

Ифтихор туйганим қадимий тупроқ,
Замину борлиққа заҳа етмасин.

Дониш аждодлардан мерос, қадрият

1 *Далварзин* — Далварзинтепа, Кушон даврининг
йирик марказий шаҳарларидан бири жойлашган
тепалик.

2 *Кушон* — кушон подшоҳлиги (I-IV асрлар).

3 *Шўрча* — Шўрчи тумани.

Бизлардан олисда қолиб кетмасин.
— Шўрча!

Минг йиллар, миллион йиллар эҳтимол
Осмонларга сирдош, осмон тепалар.
Ошиғу маъшуқа каби рўбарў
Юлдузларга ёндош, посбон тепалар.
— Шўрча!

Тупроқни топтаган тулпор отларни
Оёқ ости қилди отлар минг бора.
Топтади, у қайта-қайта эзилди,
Лекин оқармади, тупроқ — оч, қора.
— Шўрча!

Бирлари—сарой, арк, бирлари — гумбаз,
Лола, қизғалдоқдан туғролар тутган.
Баҳор, гулу гиёҳ, баъзан тилларанг
Тўн кийган боболар, бизларни кутган.
— Шўрча!

Тепалар устида турдим тошдай зил,
Тупроқнинг остида дўст ҳам, нодўст ҳам.
Сопол парчаси-ю кумуш, танга, тиг,

Аждодлар мероси - мулки жамулжам.
— Шўрча!

Тепалар, одамлар, отлар ҳам тупроқ,
Дехқон жуссасидан раъно гул, райҳон.
Искандар, Култепа, Ўр ё Шўртепа,
Ёртепа, Шониёз⁴ — қанча-қанча жон.
— Шўрча!

Заминдай-заминдай залворли тепа,
Тепалар, тепани бемаврид ўйманг.
Садағанг кетайин, азиз одамлар
Тепа кўпаймасин, унга йўл кўйманг.
— Шўрча!

||

Ўтмиш— қисирпоя⁵, ўтмиш — гаврончўп⁶
Яғир от, омочу қўйма чўянтиш⁷.

4 Искандар, Култепа, Ўртепа, Шўртепа, Маслаҳат-тепа, Ёртепа, Шониёзтепа — Давларзинтепага тенгдош, балки қадим, лекин ҳалигача ўрганилмаган тепаликлар.

5 *Қисирпоя* — экин экилмай қолиб кетган дала.

6 *Гаврончўп* — ҳўкизларни ҳаракатга келтириш учун ишлатиладиган бақувват хивчин.

7 *Чўянтиш* — омочнинг учига кийгизиладиган учли чўян қурилма.

Донидан дарак йўқ, зардобранг сомон,
Сигири эчкидай, қўйи индириш⁸.

— Шўрча!

Чихона⁹, қўшхўкиз, хирмон, галагов,
Қип-қизил қиёқдан эшилган лангар¹⁰.
Тиркиш¹¹, бўйинтуруқ¹², тут ё
зарангдан

Қулоқчўп, усиз ҳам ўтмиш — туғма кар.
— Шўрча!

Фронт орти, ўтмиш тери, жов¹³, мояк¹⁴
Силлани қуритди очофат уруш.
Чирмовуқ мисоли чирмашди очлик,

8 *Индириш* — ориқ, суяги чиққан, ўлакса.

9 *Чихона* — ёғочдан ясалган чанага ўхшаш қурилма. Уруш йиллари ғаллани хирмон қилишда фойдаланарди, уни икки хўкиз ҳаракатга келтирарди.

10 *Лангар* — қиёқ ўсимлигидан эшиб тайёрландиган 5-6 метр узунликдаги арқон.

11 *Тиркиш* — қулоқчўп ёрдамида бўйинтуруққа омочни тиркашда қўлланиб келинган ёпиқ доира шаклидаги лангар.

12 *Бўйинтуруқ* — икки хўкиздан ҳар бири бўйиннинг устига боғланадиган қурилма.

13 *Жов* — ёғ.

14 *Мояк* — тухум.

Қоқиўт, кунжара... Бошқа неъмат туш.
— Шўрча!

Канал қаз, кўриқ оч — фронтсиз
фронт,
Кўпда на кийим бор, на болиш,
пўстак.

Тегирмон ғалласиз, дастурхон куруқ,
Қозонда топганинг атала — мастак¹⁵
— Шўрча!

Соғлом эркак зоти жангу жадалда,
Бола-чақа дирдай¹⁶, кўплар бемор, оч.
Хотин-қиз ҳар куни тонгдан далада,
Ором, кун бермайди раис, кўлоғоч¹⁷.
— Шўрча!

15 *Мастак* — уруш йиллари давлат томонидан берилган ун. Ундан даладагиларга атала тайёрланарди, истеъмол қилганларнинг кайфи ошиб қоларди. Аталани ичмасликнинг иложи йўқ эди. Сабаби очлик.

16 *Дирдай* — яланғоч, кийимсиз маъносида.

17 *Кўлоғоч* — болғага ўхшаш ёғоч асбоб. Маҳаллий халқ хўжаликни назорат қилувчи партия вакили (рус киши)сини шу ном билан аташарди.

Бошу елка яра қамчи, таёқдан,
 Қора деб ўргатди бизларга оқни.
 Ҳосили ўрилган бугдойпоядан
 Элга тердирмаган улар мошоқни.
 — Шўрча!

Қизиган қозонда қотган лочири¹⁸,
 Ёдимда ноўрин маломат, ғамлар.
 Пуллари ёнида даста ва даста,
 Очликдан кўчада ўлган одамлар .
 — Шўрча!

Очлик ўтмиш, чида «кўпга келган тўй»,
 Пўлат ироданинг бориға балли.
 Қирғин, йўқликларни йўлда
 қолдирган,
 Ўлимга панд берган ишонч, тасалли.
 — Шўрча!

Кексалар армонли, келинлар ёрсиз,
 Кўпдан қуш, қумурсқа роҳатдан холи.
 Уруш узоқларда бироқ нотавон,

¹⁸ *Лочири* — йўқлик туфайли қозонда пинҳона пишириларди, юпқа патирча.

Хонадони хароб, уйи азали.

— Шўрча!

Мен ўлимни мутлақ ёмон кўрганман,

Бемаврид чўчитгим келмаган қушни.

Лек иймон келтириб айтганман минг

бор,

Кенгаш ўлдиради жанжал, урушни.

— Шўрча!

Ўтмиш узоқлашган, кетма-кет ўлим,

Тирик қалб фарёди, бўйрадан кафан.

Тўшақда малҳамсиз чечак, иситма,

Мис мисол ловуллаб қовжираган тан.

— Шўрча!

Чихона устида урушнинг юки,

Неча бир қўлоғоч кўнгил хушлади.

Сигирсифат ҳўкиз, оғзи боғланган,

Катта-кичик ҳайрон, ёқа ушлади.

— Шўрча!

Урушни қарғадим, элга қўшилиб,

Қалбимнинг энг тоза, холис нияти.

Хотирдан тасбеҳдай доналаб ўтди
Юртимнинг кечаги қадрияти.

— Шўрча!

Бордондай-бордондай¹⁹ кечаги чаққон
Момодан ғайрату андоза олган.

Сахийлик, тўғрилик, меҳру оқибат
Хайрият қалбларда улардан қолган.

— Шўрча!

Ўтмиш танамдаги оғриқ, алам, дард,
Бўғзимда тошқотган қурум, ўт, ҳаво.
Айниган бош мия, қонсиз қилтомир,
Нотавон. оёқсиз, бемор, бенаво.

— Шўрча!

Аччиқ ўтдай²⁰ ҳаёт, гоҳо чақмоқ қанд,
Мақтовлар ортида оғули новвот.

Минбар елкасида гап жойланган қоп,
Мансабда ҳовли, уй — қаватма-қават.

19 *Бордон* — 300-400 килограмм буғдойни жойлаш
учун пўстлоғи олинмаган қамишдан тайёрланадиган
идиш.

20 *Аччиқ ўт* — сафро.

— Шўрча!

Наф берган Ёртибой²¹ ковуш билан тенг,
Тулпорлар жилови хушламас уни.

Экилмай ҳосили пулланган дала,
Деҳқонлар бошида зигирнинг куни.

— Шўрча!

Кўқонараванинг²² чархидай фалак,
Кашшиқдан²³ сочилган сомондай
юлдуз.

Кўйнинг чарвисига ўхшайди булут,
Ўтмиш олислардан мўралаган кўз.

— Шўрча!

Фарзон²⁴ тракторлар турқидай ўтмиш,
Қадамда у учун кади-кади²⁵ сув.

21 *Ёртибой* — Алпомиш достонидан Ёртибой оқсоқол, яъни деҳқон маъносида.

22 *Кўқонарава* — бир от кўшиладиган икки гилди-ракли арава.

23 *Кашшиқ* — лангардан тайёрланадиган тўр қоп.

24 *Фарзон* — Англиядан келтирилган трактор.

25 *Кади* — ўсимлик тури, сув кади, идиш.

Фарзон чамбарини бошқарган аёл
 Қизлар ҳидлаб турган пачакдай²⁶ сулув.
 — Шўрча!

Пахтани омборга ташиган туя,
 Кўшотли арава, заркаччаклар²⁷ йўқ.
 Ҳаёт уммонида нажот кўшкади²⁸.
 Қадрият олисда — улар қайтмас ўқ.
 — Шўрча!

Шираси тилни тарс ёрган Оқноввот,
 Амирининг²⁹ пўчоғи қоғоздан нозик.
 Олма, анор, майиз, ҳаттоки писта³⁰.
 Фронтга ортилган жамики озиқ.
 — Шўрча!

26 *Пачак* — ўсимлик тури. Ҳосили олмадан катта бўлмаган, хандалакка ўхшаш, хушбўй. Уни қизлар ҳидлаб, осмонга отиб ўйнашарди.

27 *Заркаччак* — ўсимлик. Ҳосили сувкадига ўхшаш. Лекин жуссаси жуда кичик, чиройли ва ёқимтой, кўпинча бешикларга кўзумчоқ (тўғизкўз) билан бирга осиб қўйишарди.

28 *Кўшкади* — сув кади, лекин унинг оғзи томони билан орқа томони мутаносиб. Одамлар дарёдан сузиб ўт ишда, сувга фарқ бўлиб кетмаслик учун белига боғлаб ундан фойдаланишарди.

29 *Оқноввот, Амيري* — қовуннинг турлари.

30 *Писта* — хандон писта.

Ўтмиш узоқларда, одамлар яқин,
 Боболар, момолар ором олади.
 Эртакка ўхшайди, кечаги ҳаёт,
 Ўтмишга болалар разм солади.
 — Шўрча!

Борлиғу йўқликлар посбони тепа,
 Бошлардан баландда баланд учган қуш.
 Ёшларнинг ёдидан чиқмасин кеча,
 Бугунга чатишган ришта ҳам улуш.
 — Шўрча!

Ватанни ўйладим, ўйлангиз Сиз ҳам,
 Зарурат юракка қўлини солди.
 Айтгим келган эди, бир томчи айтдим.
 Дарёлар, уммонлар Сизларга қолди.
 — Шўрча!

Тепадан пастдаги тепалар туташ,
 Оқ билан қораси кўзингникидир.
 Ғойибдан келмайди ҳеч вақо, элим,
 Яхши ҳам, ёмон ҳам ўзингникидир.
 — Шўрча!

Қовундан қовунга айланди уруғ,
 Чигитда тола ҳам эртанги чигит.
 Буғдойнинг кўксида қайроқи буғдой,
 Юз йилни, минг йилни ҳар лаҳзадан кут.
 — Шўрча!

Ёргучоқ³¹ зил-замбил остин-устун тош,
 Тошлар орасида фингшиди таъма.
 Бетиним хокдон³² ва мустаҳкам мадор³³.
 Мен билган, билмаган битик, ёднома.
 — Шўрча!

Ўтмиш изга қайтмас, ота серфарзанд,
 Бири Чори, Панжи, кенжаси Ғани.
 Мени ўйлантирган катта бобомдан
 Камёб қадрият — ҳунарлар қани?
 — Шўрча!

Ҳар фарзанд меҳнаткаш, билимдон
 шаксиз,

31 *Ёргучоқ* — қўлтегирмон.

32 *Хокдон* — дунё.

33 *Мадор* — айланувчи дунёларнинг маркази.

Космосни қучади эртага Фиёс.
Лекин мен биламан азал, азалдан
Ҳаётда хунарнинг ўрни беқиёс.
— Шўрча!

Онамнинг онаси — эй, азиз тупроқ,
Ёш боладай яйраб, Сизни суйганман.
Иссиқ оғушингда бир кукун мисол
Юртим, хунарсиздан қаттиқ
куйганман.
— Шўрча!

Менинг истаганим, ҳар ёш хунарга
Болари мисоли қаттиқ ташлансин.
Энг янги компьютер, энг янги режа,
Янги авлодларнинг зеҳни пешлансин.
— Шўрча!

Юртим, Сендан ортиқ менинг нима
бор,
Заминга садоқат кунда бўлади.

Фолбинлар фолини билмайман эртан
Жаҳоннинг нигоҳи сенда бўлади.

— Шўрча!

Коинот кўз-қулоқ, бошлар узра Арш³⁵,
Атайин қуёшни сайлаб қўйгандай.
Менинг она юртим, Сени доно халқ
Компьютер дилига жойлаб қўйгандай.

— Шўрча!

Сендан ранжимайман эй, буюк
қисмат,

Ўтмишга айланган қамишкапалар.
Ёдимда ўрнашган отам, онам, уй,
Тепадан пастдаги баланд тепалар.

— Шўрча!

Қадамда ўзгариш, қадамда зафар,
Техника қудрати юксакликка тан.
Тепа тепасида чақнаган юлдуз,
Тепадай тепали муқаддас Ватан.

— Шўрча!!!

35 *Арш* — осмоннинг энг юқориси

ГОУРГОН (Достон)

*Маишат зоҳири нарим, охири қаҳр,
Йилонни тошми юмшоқдир, ичи заҳр.*

Сўфи ОЛЛОЁР.

1

Сукунатда Гоургон¹, лекин
Тушларимда вишиллар илон.
Илонларнинг ўрдасида мен
Ёлғиз юрдим, юраккинам қон.
Катта-кичик, қондай илонлар,
Морбозларга ўхшаш келдим мен,
Ўлжага ўч балиқчи мисол
Майхонага² тўқнаш келдим мен.
Қирғоқ тагин емирган сувдай
Вужудимни кемирмоқда ғам.
Ўз-ўзимга пичирлайман мен,
Илонлардан баттардир одам.
Илонларнинг заҳари малҳам,
Газзоблардан “фойда”си йироқ.

¹ *Гоургон* — Боботоғдаги жой номи, аждарҳолар қамоқхонаси.

² *Майхона* — дарёда балиқлар туп бўлган жой.

Шу маънода узок ўйладим,
Шум одамдан илон яхшироқ.
Кўл-оёғим секин қалтирар,
Морлар мени ютмасин дейман.
Дарахтларга ўралиб олиб,
Вужудимни эзмасин дейман.
Лекин улар Боботоғдай тинч,
Тош мисоли қотиб қолган йўқ.
Энг хароба чолдеворларда
Кулча-кулча ётиб қолган йўқ.
Уларда ҳам ўзича ташвиш,
Ой нурида ётади баъзан.
Тупроқ ялаб, дуч келган жонни
Бир ҳамлада айлайди хазон.
Илонларнинг бир-бирига тик
Боққанини кўрмадим, лекин
Жаҳл билан катта-кичигин
Чаққанини кўрмадим, лекин.
Одамлар бор илондан ўжар,
Вазиятга боқиб туради.
Зўравонлар заифларини
Аямасдан чақиб туради.
Ҳаммасининг турқлари совуқ,

Заҳар қайнар тиши, қонида.
 Ҳақиқатдан шубҳаси бор зот
 Келсин, қасди бўлса жонида,
 Менинг билан ёндош кузатсин.
 Илонларнинг табиатини,
 Қусурлари бўлса тузатсин.
 Англамадим шунда ғойибдан
 Балки йўлдан келди, етти чол.
 Бири ерга уч белги чизиб,
 Оғир чўқди, очмоқчидай фол.
 Кўзларини ярим юмганча,
 Ажиб сўзлар тўқий бошлади.
 Нафаслари ичида гирдоб,
 Дуо ё шеър ўқий бошлади.
 Зумда ғуздан катта бир илон
 Нор туядай ўкириб чиқди.
 Тепасида тутам жоли бор,
 Жувонадай³ бўкириб чиқди.
 Важоҳати шунчалар баланд,
 Ямламасдан ютар Ҳангини⁴.
 Гўзалликка чашма табиат
 Аямаган ундан рангини.

³ *Жувона* — уч ёшли новвос

⁴ *Ҳанги* — катта эркак эшак

Шахмат-шахмат, алвон-алвон йўл,
 Рассом кўрса хаёлга толар.
 Камалақдай товланган товус,
 Чечаклар ҳам уялиб қолар.
 Бу сўзларим асло лоф эмас,
 Жаҳонда йўқ ундайин илон-
 Кумуш бадан гўзал паризод,
 Саланглаган сарвиқад жонон.
 Чол кўзидан олов сочилди,
 Не хосият, худо билади.
 Думи узра тик турган илон
 Чинор мисол ерга қулади.
 Йиқилди-ю нафаси ўчиб,
 Пайпоқ мисол полпайиб қолди.
 Сувдан йироқ лаққа балиқдай,
 Йўл устида шолпайиб қолди.
 Иккинчи чол шу топ ажални
 Аждарҳонинг бўйнига қўйди.
 Озор бермай учинчи бири
 Пичоқ билан илонни сўйди.
 Тўртинчиси илон гўштидан
 «Шўрва пишди» дея қичқирди.
 Бешинчиси косага қуйиб,

Мени билан даврага кирди.
 Тоғнинг йўли - тўкин дастурхон,
 Турли туман гўштдан тотдим мен.
 Кўпкарида югурган отдай
 Маржон-маржон терга ботдим мен.
 Олтинчи чол ўқиб фотиҳа,
 “Болам, кўрқма, шунда қол”, - деди.
 Еттинчи чол: “Насибанг тўкин,
 Боботоғдан тўглаб ол”, - деди.
 Кўз олдимда кечди шу ҳолат,
 Чоллар қани? Чоғланиб қолдим.
 Қозигида ўйнаган отдай
 Гоургонга боғланиб қолдим.
 Билиб-билиб маъқул сўз айтсанг,
 Зангли пичоқ чиқмас қинидан.
 Топиб ширин-ширин сўзласанг,
 Қимирламас илон инидан.
 Гоургонда кўрдим илоннинг
 Чарви босган қопдай ичини.
 Қайта-қайта ҳис этдим шунда
 Одам сеҳри, сўзнинг кучини.
 Ҳар сўзининг ўзи бир ҳикмат
 Чоллар билан базмда бўлдим.

Илоншўрва, яхши тилаклар,
 Сўз олдида таъзимда бўлдим.
 Илонларни тингладим, улар
 Ҳаққа қулоқ тутамиз, деди.
 Неча юз йил аниқ билмадим,
 Оллоёрни кутамиз деди.
 Вахшимордай⁵ маскан Гоургон,
 Тоғу тош ҳам тупроқ, хас деди:
 “Бизлар интиқ уни кутамиз,
 Юртда тинчлик бизга бас”, - деди.

||

Самарқандлик Сўфи Оллоёр
 Тоғу-тошни оралаб келди.
 Ёлғиз эмас, халифа, хеши
 Вахшиворни⁶ қоралаб келди.
 Бухоролик жуфти ҳалоли,
 Забонида одоб, калима.
 Ёлғиз ўғли Муҳаммадсодиқ,
 Кенжа қизи дуркун Ҳалима.
 Тўнғич қизи Аминабону
 Ибо билан карвон бошидан
 Отасига ташлади нигоҳ,

⁵ *Вахшимор*— Хусордаги қадимги илонжона

⁶ *Вахшивор*— жой номи

Юраги фош кўзу қошидан.
 Тушларидан аён Ҳисорсой⁷,
 Кутиб олди, осойишта юрт.
 Оллоёрни қиёматгача
 Тутиб қолди, осойишта юрт.
 Тиниқ осмон, зилол сув, тупроқ,
 Меҳмон сенга тортиқ эмас у.
 Ўсимлик, қуш, мрамар ҳавоси,
 Самарқанддан ортиқ эмас у.
 Оллоёрнинг нияти бошқа
 Вахшиворни кўрмоқчи эди.
 Шул валийнинг баридан тутиб,
 Хизматида турмоқчи эди.
 Ният билан Сўфи Оллоёр,
 Неча кунлар кутди интизор.
 Бир кун саҳар тоғдан Йўлбарсга
 Ўтин юклаб қайтди Вахшивор⁸.
 Ўтин қалаб, катта қозонда
 Сув қайнатиб гарм қилмоқчи.
 Суви қочган сағри терини
 Ошлаб-ошлаб, чарм қилмоқчи.

⁷ Ҳисорсой — қадимги Ҳисор беклигига қарашли ҳудудлар

⁸ Вахшивор — бу ерда шахснинг исми (этираттоҳ), юқоридеги жой маъносида.

Ўчоққа ўт ёқмоқчи бўлди.
 Соқол-қора куяга ботиб.
 Ўт ёнмади, шунда бир кампир
 Вахшиворни тепди ўхшатиб.
 Кутилмаган, ғалати ҳолдан
 Оллоёр серрайиб қолди лол.
 Салом-алик қолди ҳавода,
 Лутф айлади таёқ еган чол.
 — Хуш келибсан, Сўфи Оллоёр,
 Юртга иймон, омонлик қайтди.
 Хисор беги сенга мунтазир,
 Хушxabарни Онамиз айтди.
 Эс-хушингдан адашма, Сўфи,
 Дўзах ўтин элдан ёпганмиз.
 Икки дунё фароғатини
 Оналардан излаб топганмиз.
 Оналарнинг дашном, даккиси
 Таёқлари доим бор бўлсин.
 Онасини рози қилмаган
 Икки дунё ғариб, хор бўлсин.
 Кечикмасдан қалъага кириб,
 Кун чиқарга туниб қарайсан.
 Дардларинга дардкаш бўлар бек,

Сен шу юртдан манзил сўрайсан.
 Сўнгра кўзин юмганича чол
 Сувли сойни қоралаб етди.
 Йўлбарсининг ёлидан тутиб,
 Тоғ, дарани оралаб кетди.
 Қозон, ўчоқ, олов... бу — чўпчак,
 Билганини айтади, одам.
 Тегирмонтош янчмаган ғалла,
 Табиатга қайтади одам.
 Ҳар одамда ўзга табиат,
 Ҳар ким экканини ўради.
 Дунё дунё бўлгандан буён
 Яхши-ёмон суяк суради.

III

Ҳисор. Кўрғон. Сўфи Оллоёр
 Кун чиқарга туниб қаради.
 Бекка орқа ўгирдинг дея
 Мулозимлар уни ўради.
 Бири кўлдан, бири оёқдан
 Яна бири ёқадан тортиб.
 Кучи келмай, бекнинг олдига
 Олиб борди, йилқига ортиб.
 Тарашадай тарашлангач бек,

Минг ёлворсанг қаттиқ, иймайди.
 Чиқим десанг очилмас кўзи,
 Қишда қорни кўзи қиймайди.
 Кўз тўқнашди, Сўфи Оллоёр,
 Гапни боглаб болга ўради.
 Ҳар мушкулга калит салом, сўз,
 Бекдан кўноқ -манзил сўради.
 Тошдай қотди, ўйга ботди бек,
 Ҳар томонга хаёли кетди.
 Вахшиморни Хисорнинг беги
 Оллоёрга ҳадя этди.
 Бунинг учун Сўфи Оллоёр
 Бекка қуллуқ, таъзимлар қилди.
 “Йилонга ем бўлар Оллоёр”
 Мулозимлар базмлар қилди.
 Кўп ўтмади осуда ҳаёт,
 Ҳақиқатнинг жарчиси тилим.
 Илонларни Боботоғ томон
 Вахшимордан кўчирди илм.
 Жисми олов, аланга, қуёш
 Интиқ эди қорга Боботоғ.
 Оллоёрнинг бир хати билан
 Морга макон бўлди Боботоғ.
 Ўрта йўлда қолди қаққайиб,

Заргари йўқ, зарли Зартепа⁹.
 Бир кечалик меҳмони илон,
 Ривоятдай қадим картепа.
 Қимирлаган тирик табиат-
 Ҳаёт уни четлаб ўтади.
 Заҳарланган тупроқ, тошлари
 Оллоёрни йиғлаб кутади.

IV

Кун ботарда кунсиэ Вахшивор,
 Кун чиқарда кунли Гоургон.
 Қанча одам Хисорсойда тинч,
 Зартепада заҳар ютган жон.
 Кўрқиб-кўрқиб оқар Қизилсув¹⁰.
 Югуради йўли унмайди.
 Хижолатли, етим Зартепа
 Атрофига қуш ҳам қўнмайди.
 Сабабини билар одамлар
 Бизда эртак-тарих, хотира.
 Юракларда муқаддас ҳайкал,
 Кун ёнида кумушдай хира.
 Қаттиқ қисмат Заҳартепада,

⁹ *Зартепа* — қадимги Чағониен ҳудудидаги тепалардан бири. У ҳозир Денов туманининг Охунбобоев жамса ҳўжалигида жойлашган.

¹⁰ *Қизилсув* — дарёнинг номи.

Баҳор келди, кунлар сурилиб.
 Тепанинг гул гиёҳин еган
 Жониворлар кетди қирилиб.
 Тепа эмас, ларзон вужудим
 Тупроқ мисол сукутга толган.
 Қай бир одам тили учиди
 Илон заҳри ўрнашиб қолган.
 Илон заҳри зангга ўшамас,
 Бировларнинг қонига кўчган.
 Бировларнинг жуссаси катта,
 Юрагидан оқибат ўчган.
 Бировларнинг шижоати зўр,
 Фаросати пажмурда бироқ.
 Бировларнинг сотгани заҳар,
 Таянгани темиртак¹¹, ўроқ.
 Бировларнинг замини заҳар,
 Осмонидан заҳар ёғади.
 Эрта-ю кеч бемор онаси
 Сигиридан оғу соғади.
 Ўғилчаси заҳархўр — омбур
 Онасини қўйиб олади.
 Заҳар учун зардан бермаса,

¹¹ Темиртак — ишга яроқсиз, ўтмас пичоқ

Ота кўзин ўйиб олади.
 Мен кузатдим кеча ҳам кундуз
 Тирик жон йўқ ташвишдан холи.
 Лекин илон ҳаракатидан
 Наф кўрмайди ҳатто чумоли.
 Ўйинқароқ қитмир бола ҳам,
 Илон, сендан хатар кутади.
 Насибахўр пашша, чивин ҳам,
 Илон, сени четлаб ўтади.
 Ўрта йўлда етим Зартепа
 Мор карвони қўниб ўтган жой.
 Ҳалифа¹² сўнг ҳайбар илонлар
 Ёноғини йўниб ўтган жой.
 Зартепани хушламас отлар
 Ўз-ўзидан тувлаб қолади.
 Кўй ҳайдаган чўпон итлари
 Яқинлашгач, увлаб қолади.
 Уйқу билмас уйғоқ хотира,
 Қалбга морлар ваҳим солади.

¹² *Халифа*— ёрдамчи. Сўфи Оллоёр мўъжизаларини халифаси кўмагида амалга оширади. Ривоятларда Сўфи Оллоёр тайинлаган бўлса-да, илонлар подшоҳига хатни ташлаб қайтаётган халифа Зартепага етган, ўгирилиб изига қараганмиш. Шу сабабли илонлар Зартепада бир кеча тунувган, уни Заҳартепага айлантиришган эмиш.

Яқинлашсанг Заҳартепага
Бойўғлилар қарсак чалади.
Қарсакбозлик авжига чиқди,
Табиатга мойил қолдим мен.
Илон қавмин измига солган
Оллоёрга қойил қолдим мен.
Заҳартепа оламда ёлғиз,
Лек Оллоёр ягона эмас.
Оллоёрнинг фазилатлари
Одамзодга бегона эмас.
Дунё довдир, бир кам қабоҳат,
Ёмонликнинг ўчи бор унда.
Адолатга маскан Боботоғ,
Яратганнинг кучи бор унда.
Билим, ишонч, амал, шубҳани
Қалб кўзидан қириб ўчирган.
Вахшимордан Оллоёр морни
Гоургонга зўрлаб кўчирган.
Неча йил илонли Гоургон
Тирик жонга заҳар тутуди.
Ундан зада гул ҳам - гиёҳлар
Оллоёрни интиқ кутади.

V

Отнинг тақасига ўхшаш, эгилган,
 Уч томони юмуқ — пасту баланд қир.
 Ўрталиқда эски ариқ — сув йўли,
 Икки ёни тигиз бутали, тақир.
 Кўзга ташланади қишлоқнинг ўрни,
 Ариқнинг ўзани юлғун, қамишзор.
 Инсоннинг оёғи етмаган гўша,
 Гоургон табиий ваҳима, озор.
 Илонлар ўрдаси, қадим Гоургон
 Мерганлар шу ҳақда суҳбат
 бошлайди:
 Гоургон устидан учган парранда
 Илонлар оғзига калла ташлайди.
 Қушларни ямламай ютади илон,
 Етилган илонлар хуштак чалади.
 Хуштагу ўйинга хуштор бўлганнинг
 Бошига кулфату оғу солади.
 Одамлар улардан чўчийди кўпроқ,
 Илонни илон деб сўзламас ҳамон.
 Уларни арғамчиқ атаганларнинг
 Фарзанди илонга ўхшаса ёмон.
 Эртакка ўхшайди эртаксиз ҳаёт,

Ҳақиқат азалдан ўшакка ёвуқ.
 Тарбия кўрмаган инсон фарзанди
 Турқу таровати илондай, совуқ.
 Илонни илон деб чўчийсан, бироқ
 Хонангда илончанг бирга ётади.
 Мавриди етганда шишиб, илондек
 Энг аввал ўзингга заҳар отади.
 Илонлар ютади, лекин илонча
 Ютолмас, борингни кўриб юради.
 Минг мақом, минг ҳийла, мингга панд
билан

Шира-шарбатингни сўриб юради.
 Каттадир-кичикдир илондир илон,
 Гоургон, гузларин емириб ўртар.
 Тарбия кўрмаган дадар¹² ўғил-қиз
 Асабу умрингни кемириб ўртар.
 Илонлар ўзича, одам ўзича,
 Ҳаётдан ҳар зотнинг ўрни ўчмасин.
 То ҳаёт бор экан заҳару ваҳим
 Гоургон бағридан кўпга кўчмасин.

¹² *Дадар* — юриш, туриши бетайин

Одам заҳри тилда... Бироқ бу заҳар
Бир илонда камроқ, бирида кўпроқ.
Илоннинг чақиши азалдан аён
Ажалга бас келар биргина тупроқ
Тупроқдан яралган жами мавжудот,
Табиат ишига ақлу ҳушим лол.
Илдизи ягона иккита зотнинг
Бири соқов бўлса, бирови баттол.
Одамнинг сиртига сизмас оласи,
Меваси ширину данаги аччиқ.
Кўзимнинг ўнгида турфа илонлар
Танаси юшоғу қаҳри қаттиқ.
Илон кушандаси кам эмас, бургут
Тадбир қаршисида кўмир қордай оқ.
Инсоннинг ғаними ўзида шаксиз,
Булутнинг бағрида яширин чақмоқ.
Гоургон баҳона заҳар ва болни
Ўрнига беозор қайтиб қўйдим мен.
Илонга ўхшаган совуқ одамлар,
Сизни Оллоёрга айтиб қўйдим мен.
Илонлар одамдан яшамас айри,
Ер шари белига қулочим етмас.

Тушимда хайқирдим, Оллоёр бобо,
 Тез келинг, қошимдан илонлар кетмас.
 Илоннинг инига сиғади илон,
 Тулкининг тадбири тулкиларга тан.
 Йўлбарс боласига жой бўлган гўша
 Аждарга даставвал тухуми ватан.
 Тегмасанг тегмайди одамга илон,
 Босмасанг қурбақа чиқармайди сас.
 Гоургон, мен унда мағрур юрибман,
 Қўрқув, ваҳимлардан вужудим халос.
 Инини қўриқлар илон, қарға ҳам,
 Қаршиқул¹⁴ кўшнига қилмас хиёнат.
 Мўрчага бемавруд озор беришни
 Боботоғ азалдан ҳисоблар уят.
 Боботоғ бош қўйган қадимий ўлка,
 Камолот ва қудрат сенда мужассам.
 Тупроқдай муқаддас, безавол юртим,
 Тинчу омон бўлсин аждарларинг ҳам.

VII

Аждарҳо, илонда заҳару малҳам,
 Баҳмалтус тўн кийган алвон-алвон қир.
 Борлиқни кифтида тутган одамлар,

¹⁴ Қаршиқул — бўри, жондор

Она замин билан зуваламиз бир.
 Аслимдан ажралмас Гоургон нотинч,
 Атрофим безовта гимирлаб қолди.
 Лапанглаб-лапанглаб ҳайбар илонлар,
 Қамишзор бемаврид қимирлаб қолди.
 Кафтимдай теп-текис, ҳовор Гоургон
 Гўёки ҳайдалди, пол бўлиб қолди.
 Қайдан пайдо бўлди, қайдан билмадим,
 Бир илон қаршимда чол бўлиб қолди.
 Тушим ё ҳушимда менга рўбарў,
 Чол — Илон нигоҳим бойлаб ташлади.
 Кўзини-кўзимга қадаганича,
 Ўтгандан-кетгандан сўзлай бошлади.

VIII

Оллоёрнинг пойқадамидан
 Илонларнинг нафаси ўчди.
 Бир кечада битта ҳам қолмай
 Вахшимордан Гоургон кўчди.
 Гоургони — тоғли бир қишлоқ,
 Ҳисобли кун, муҳлати битган.
 Ака-сингил, опа ва ука,
 Кўни-қўшни бузилиб кетган.
 Ҳар одамнинг бунда ўйи наф,

Иймон, виждон кўчини йиққан.
Қорапулнинг қурбони ҳаё,
Беномуслик авжига чиққан.
Йигити ғўр, қизи яланғоч,
Шайтон мақтов айтган Гоургон.
Маишатга берилган тамом,
Худосидан қайтган Гоургон.
Оллоёрда ваҳийдан қудрат
Морлар уни интизор кутди.
Бир кечада Гоургон аҳлин
Аямасдан илонлар ютди.
Яратганнинг фармони вожиб,
Гоургондан морлар жой олди.
Пешонаси тиртайган ўсмир
Фожиадан узоқда қолди.
Пешонаси буришган, ғариб,
Юрагимда шу садо ҳамон.
Элу юртдан айрилиб тирик,
Яшамоқлик ўлимдан ёмон.
Гоургонни ютди илонлар,
Аждарга ем бунда кекса-ёш.
Тўрт томонни титди илонлар,
Омон қолди фақат тупроқ, тош.

Осмон, юлдуз сукутда ҳайрон,
 Шамол, қуёш ғафлатда қолди.
 Гул, гиёҳлар ғамдан қовжираб,
 Дарахтлари дардли чайқалди.
 Фожеадан хабарсиз ўсмир
 Сахар-сахар Гоургон етди.
 Илонларни кўрган боланинг
 Ранги бўздай оқариб кетди.
 Тик таёқдай қотди оёқда,
 Бир лаҳзага йитди ақлу хуш.
 Бадани муз, томирида муз,
 Кўрганлари эмас эди туш.
 Лекин бирдан қаттиқ сесканиб,
 Биров ноҳос тепгандай бўлди.
 Кунда пишган юзига биров
 Муздай сувдан сепгандай бўлди.
 Хушёр тортди, тикланди ўсмир,
 Тўрт ёғида илонлар лак-лак.
 Сондай-сондай мечкай илонлар
 Чақаман деб боқар заҳарнок.
 Ўсмир бола сиртидан тошдай,
 Сим харидай қотди, Художон.
 Ёруғ дунё нетсин қоронғу,

Равшан кўзга парда тортди қон.
 Ота-она, жигарларисиз
 Ёлғизликнинг даҳшати ёмон.
 Шўрлик ўсмир болани морлар
 Ҳар тарафдан ўраб турибди.
 Қай бирининг тили бир қарич,
 Қон сўришни мораб турибди.
 Қай бирлари сув тўла мешдай
 Кўкиш, ола, бароқлар бўлди.
 Сесканди-ю бир зумда ўсмир
 Илонларга тик қараб турди.
 Сўнг Гоургон ичин оралаб,
 Товушқондан қаттиқ югурди.
 Илонлар ҳар ёнда билтанглар,
 Ўсмир қалби аланга сочди.
 Ўсмир илонхона қишлоққа —
 Гоургонга ўт қўйиб қочди.
 Ўт ичида қолди Гоургон,
 Куя-куя қичқирди илон:
 – «Менинг ҳали ўлгим йўқ эди,
 Мунча ширин, ширин экан жон.
 Еру кўкни қоплади тутун,
 Одам ўғли, азаларинг шу.

Вужудимни қовурди олов,
 Ўч оламан — жазоларинг шу.
 Лек йиқилган қурашга тўймас,
 Фафлат босди, бахти қароман.
 Ер устида яшасанг магар,
 Мен изингдан пойлаб бораман.
 Кўз юммасдан кеча-ю кундуз
 Охир бир кун чақиб оламан.
 Ер тагидан бўлса ҳам, ўсмир,
 Излаб сени топиб оламан!»

IX

Изоҳсиз ҳам етар шу тимсол
 Ҳар мушкулга, инсон, чорасан.
 Қишлоғингни ўтда қолдириб,
 Шўртамагим, қайга борасан.
 Ҳаромхўрлик Боботоққа ёт,
 Бузуқликнинг оқибати ғам.
 Илонларни ўтда қолдириб,
 Қишлоғидан қочди бир одам.
 Мансабдорнинг келини мисол
 Юз алвонда илон керилган.
 Ўт ичидан чинқирди яна

— Инсон, сенга ақл берилган,
 Боботоғнинг қапталида биз,
 Тоғу тошдай қучоқлашиб кул.
 Илонлардан чўчима мутлоқ,
 Галинг келса, қишлоғингда ўл.

Х

Садағанг кетайин Сенинг, Боботоғ,
 Қишдаги қировдай қорларинг билан.
 Жирғаноқ¹⁵, гўзларда эшилиб ётган
 Икки газ, уч қулоч морларинг билан.
 Олтинранг қовзан¹⁶ — хас тушалган яйлов,
 Куёшли осмонда қанот қоққан қуш,
 Гиёҳдан тошгача сўзлар, Боботоғ!
 Мен яна илонни туш кўрдим,
 Бу туш:
 Қишу ёз юрагим чопар дупурлаб,
 Юрак кун тафтидан пишиб кетган зот.
 Қизилда кўй ҳайдаб бир кун нохосдан
 Аждарҳохонага тушиб кетган зот.
 Атайлаб қазилган, қудуқдан чуқур
 Жирғаноқ тагини кўзлагим келди.
 Ўнг ёноқ териси шилиниб битган

15 Жирғаноқ — ёмғир сувидан ҳосил бўлган чуқурлик.

16 Қовзан — қовжираб, оёқ ости бўлган гул-гиёҳлар.

Чандиқюз чўпондан сўзлагим келди.
 Чўпоннинг кўксида тош эмас, юрак,
 Унда ҳам хатардан чўчимоклик бор.
 Нохосдан чуқурга тушиб кетганда
 Дўстнинг ҳимосига¹⁷ бўлди интизор.
 Кўлида пичоқ бор, таёқ, чақмоқтош,
 Билган ҳунарини ишга солди у.
 Таёқни уч бўлди — қозик қоқолмай
 Чоҳнинг ўртасида кучдан қолди у.
 Хаёли кенгликка қочди чўпоннинг
 Қисмат ўйинини шунда бошлади.
 Гавдаси харидай, камида уч газ
 Аждаҳо ўзини пастга ташлади.
 Кўзлари косадай, ваҳим, шобирли,
 Бадани юлдузлар каби чақмоқдир.
 Товланиши шунча, унинг ёнида
 Лолалар гулхани ўчган чироқдир.
 Чўпон ўлдим деди... Илон тегмади...
 Аждаҳо ҳиммати унга сўл бўлди.
 Кўрққан кўрқмаганин билмадим аниқ,
 Чўпон бояқишнинг таги ҳўл бўлди.
 Илон ўтиб кетди ўрдаси томон,

17 Ҳимо — ёрдам маъносига.

Чўпон шўрлик эса «кутуриб» қолди.
 Тошдай қоқ жонани мушукдай тирнаб,
 Чуқурдан чиқолмай ўтириб қолди.
 Тақдирга тан бермас, лекин илож йўқ,
 Шикастсиз — ўтака жойида ҳали.
 Саксон минг оламини айланди хаёл.
 Пичоққа зўр берар, ютган маҳали...
 Пичоғи кўлида қалтираб қолди.
 Аждарҳо вашиллаб изига ўтди,
 Қудуққа ташланган аргамчи мисол
 Осилиб, тенгсалиб тепага кетди.
 Инида одамга тегмади илон,
 Меҳмонни ит қопмас деган мисоли.
 Уйқусиз, қорни оч, лекин ваҳимсиз
 Тинч-омон яшамоқ — ҳаётнинг боли.
 Кенгликда торликни кўрмайди одам,
 Ёнбошингдан оққан сувнинг қадри йўқ.
 Соғ одам ўйламас асло касални,
 Очликни ўйлабди қайси қорни тўқ.
 Охират азобин англамас мутлоқ
 Мансаб курсисида нўхталанган қул.
 Очлик човут солди ушоққа нотенг
 Таъма елкалаган даста-даста пул.

Чўпон кўйнидаги ўн кўйнинг пули,
Амалдори сийлаб кийдирган тўн ҳам.
Катта қози учун тўпланган маблағ,
Очлик газлагига босмади малҳам.
Йилларнинг юкини етаклар лаҳза,
Сония одимлар ўлимга томон.
Сув билан нон қадар азиз қариндош,
Ҳаётда ёлғизлик ёмондан ёмон.
Бор кучин тўплади чўпон қайтадан
Юксакка интилди ўпқонни уриб.
Курбақа мисоли қайта йиқилди,
Очлик ва йўқликдан силласи қуриб...
Қанча ётди чўпон билмади, бироқ
Аждар қайтди яна кетган изидан.
Чўпонга қайрилиб қаради, лекин
Зиё таралгандай совуқ юзидан
Уясига кириб кетди тўхтамай.
Чўпон-чи, ваҳимдан ўзига келди,
Равшан кўзларидан аччиқ ёш тўкиб,
Юз ёшли чол мисол қадди букилди.
Жигари эзилган кекса совлиқдай
Қаддини тутолмай, ўпкаси тўлиб.
Чуқурнинг гирдини тирнай бошлади,

Кутирган ит мисол девона бўлиб.
 Қўллари толиқди, бармоқлар хароб,
 Кўзидан ёш эмас, тирқиради қон.
 Қондошу жондошу азиз қариндош,
 Ҳаётда ғариблик, ғариблик ёмон.
 Садағанг кетайин сенинг, табиат,
 Сенинг ишларингдан менинг ақлим лол.
 Ҳушидан бегона, девона чўпон
 Аждар қуйриғида чумоли мисол.
 Аждар судраб чиқди чўпонни чоҳдан
 Беҳуш қанча ётди, билмади чўпон.
 Тўрт кеча, тўрт кундуз сувсиз, ваҳимдан
 Юраги ёрилиб, ўлмади чўпон.
 Аммо она сути оғзидан қайтди,
 Дўзах азобидан қутулди чўпон
 Бироқ юрагимда бир ҳикмат қолди —
 Тадбирсиз одамдан аждар яхшироқ...
 Манглайин заминга тираганича,
 Тун бўйи ўзига келмади чўпон.
 Тонг чоғи сесканди бошида итлар,
 Чўпон юрагига ваҳима солди.
 Ниҳоят чўпонлар унинг оғзига
 Зардоб¹⁸, сут томизиб одам қиб олди.

¹⁸ Зардоб — Қаттиқнинг сариқ суви.

Тасбеҳ донасидай саналди кунлар,
 Гап-сўзлар шамолдай тарқалиб кетди.
 Аждарҳо ва чўпон ҳангомалари
 Тоғ оша, юрт оша барчага етди.
 Сўроқлаб-сўроқлаб чўпон уйига
 Бир кун кеч иккита ёт одам келди.
 Бири кўзойнакли, бири мўйловли,
 Чўпон қаршисида ёйда эгилди.
 Давра, мақтов-мақтов аввали чўпон
 Олмадай қизариб пишиблар кетди.
 Мусаллас шаштидан ширакайф чўпон
 Дап¹⁹ мисол, шар мисол шишиблар
кетди.

Мўлжалу фурсатга маҳтал меҳмонлар
 Илтимос, тоғ томон қайтасиз деди.
 Ўтиниб сўраймиз бизларга фақат
 Аждар ўрдасини айтасиз деди.
 Дунёда энг оғир алам — хиёнат,
 Шафтоли дейдилар кампирнинг дарди.
 Бир тунлик меҳмонга кўзичоқ мисол
 Аждарҳони чўпон пуллаб юборди.
 Ёқамни ушладим, табиат одил,

19 Дап — чилдирма.

Азоблар, синовлар ўткинчи экан.
 Дўстликни пуллаган ношукур чўпон
 Менинг юрагимда зирапча, тикан.
 Кўксимни тилкалар итларнинг тиши,
 Жисмимда портилар жоним гўё қуш.
 Ўздан сувга, сувдан ўтга ташлади,
 Борлигимда буғма илон-илон туш.
 Дорбозлар арқоннинг устида илдам,
 Қизиқчи кийими шахмат-шахмат йўл.
 Морбоз елкасида тўрт газли илон
 Залвор, зиллигидан юзу кўзлар ҳўл.
 Боши маржон-маржон терлаган
 морбоз
 Чўпон қаршисида хаёлга толди.
 Илон ўйинига томошабинлар
 Тўполон кўтарди, тинчлик йўқолди.
 Тишлари қоқилган, заҳарсиз илон
 Талвасага тушиб тўлғаниб қолди.
 Томошабинларни оралаб илон
 Чўпон ёноғига оғзини солди.
 Тўрт кеча-тўрт кундуз кўздай ёнма-ён,
 Чўпонни озорсиз аяган илон.
 Илон кўмагида ҳаётга қайтган

Чўпоннинг қошида илон, зардоб, қон.
 Садағанг кетайин сенинг, табиат,
 Илонинг қалбимга ишончлар солди.
 Дўстлик, хиёнатга тимсол чўпоннинг
 Юзининг терисин сийириб олди.
 Ўйноқи шамолдай юрт ошди бу ҳол,
 Қон қусиб тупроққа қорилди чўпон.
 Дўстликка хиёнат ортидан келган
 Сийму зар зарбидан ёрилди чўпон.
 Юраги ёрилган бенаво чўпон
 Кўланка, сояни сизлаб турибди.
 Ёнида зар эмас, захарли морлар,
 Сўфи Оллоёрни излаб турибди.

XI

Тоғ қишлоғи кул бўлди ёниб,
 Аждарҳолар бўлди кул-кукун.
 Одамлардан айри Гоургон,
 Кундузлари бамисоли тун.
 Кеча-кундуз безовта борлиқ,
 Илонларнинг ўйинлари бор.
 Тош тупроққа сочилди захар,
 Гулу гиёҳ мурувватга зор.
 Минг-минг йиллик арча кўк кийиб,

Кенглик ўсмир болани кутди.
 Кута-кута юлдуз толиқиб,
 Ойу кунлар уни унутди.
 Боботоғдан бир бой бир куни
 Бухорога қўй ҳайдаб қолди.
 Гоургондан бир кичик илон
 Бир саркага илашиб олди.
 Даҳмардалар бўлиб кўз-қулоқ,
 Куну тун илонни пойлади.
 Илон эса арғамчи каби
 Сарканинг шохига жойланди.
 Шерободга етганда сурув,
 Илон тушди сарка бошидан.
 Морни зимдан кузатди чўпон,
 Дум учида илон тик турди.
 Сув суғориб юрган сувчининг
 Муккисининг²⁰ ичига кирди...

XII

Илонни эшитган сувчининг
 Ранги рўйи бўзарди бирдан,
 Қалтираган қўллари билан
 Хас-хашакни тўдалаб қирдан,

20 Муҳаммад — Оёқ кийимид, пойабзал

Нафасини ичига ютиб,
 Ёш боладай йиғлай бошлади.
 Хас-хашакни батамом ёқиб,
 Муккисини ўтга ташлади.
 Ўт ичидан қочган илоннинг
 Оғзи катта очилиб кетди.
 Ошқозони тарса ёрилиб,
 Ер юзига сочилиб кетди.
 Зидкаш бўлар зидкаш илонлар,
 Илонларда ўч ўти баланд.
 Инсон, сенда изланиш, тадбир,
 Илон шоҳга яна бердинг панд²¹.
 Илон хоки, учди ел билан
 Илон минди қасос отига.
 Томчи, нутфа, она сутидан
 Ўтди инсон зурриётига.
 Ҳар кулбада илонтабиат
 Чақалоқ туғилди муттасил.
 Илонларни қақшатган, инсон,
 Ўз болангдан ўзи сақласин.

21 Ривоятда ўсмир муқкидаги илонни ўлдиради, ерга кўмади. Уч йилдан кейин илоннинг қилтаноғи ўсмирнинг оёғига санчилади, уни захарлаб ўлдиради. Биз у йўлдан бормадик. Чунки Сўфи Оллоерда инсон пасив, онгсиз. Аслида инсон фозил, онгли, қўлидан кўп ишлар келадиган тадбиркордир.


Уста морбоз бўлсанг-да, инсон,
 Ўз морингга боқа олмайсан.
 Танг қолганда Гоургон мисол
 Уйингга ўт қўя олмайсан.
 Тунов кун илонли хонадон
 Аламзада, ёнмай тутати.
 Ер юзида қанча Гоургон
 Оллоёрни интиқ кутади.

XIII

Бухородан қайтдим, шўху шод
 Семизкентда кўпдир дўсту ёр.
 Фарғона ҳам қадим Насаф, Шош
 Сизни кутар, Сўфи Оллоёр!
 Гоургоннинг ортида Кўктош
 Кўлоб қалбин тиглаб турибди.
 Илон дея қаршимда чоллар
 Кўзи ёшсиз йиглаб турибди.
 Ер устида ўлжаси мўмай,
 Илон захар сочиб юрибди.
 Илонбозлар хўрланган, зада,
 Ўз уйидан қочиб юрибди.
 Чилвир мисол эшилган морлар,

Чопонимни устига ёпдим²².
 Меҳригиё ўтди ёки йўқ
 Мен илондан бир ибрат топдим:
 Илон зидкаш, илонлар зидкаш,
 Беш оғайни бўлади улар.
 Кушандаси инсонни пойлаб,
 Жон жигар деб ўлади улар.
 Шу маънода қадим Боботоғ
 Сендай собит тургим келади.
 Илондаги ажиб хислатни
 Ҳар одамда кўргим келади.
 Инсон меҳри мисоли чашма,
 Гўзалликдан кўзлар тўймасин.
 Юртдошининг қайғу-ғамини
 Сизган, фақат эснаб қўймасин.
 Эй, одамлар, эътиборсизлик
 Қалб оғуси, иллат бўлади.
 Юртим, элим — ёниб югурган,
 Эртан улуғ миллат бўлади.
 Бизни жаҳон кўрди эркин юрт,

22 Ривоят қилишларида илонлар қушилиш пайтида бир-бирига меҳрам ўралишар, ташқи таъсирлардан таъсирланмас эмиш. Огоҳкиши улар устига тунни ташласа, уларнинг меҳри тунга кўчар, кейин соғиб илонлар тилига тушушиш қрибиятига эга бўлар эмиш.



Озод, обод, мустақил диёр.
Тагтомирдай муштарак юртдош
Мени билан Сўфи Оллоёр.
Кеча-кундуз оловда ёниб,
Кенгликларда кўчгандай ҳушим.
Бобожон деб ҳайқирдим яна
Оловланиб ўчгандай тушим.
Ёр ёнида ёнган йигитдай
Қиқир-қиқир кулдирди тушим.
Аждар мисол пойимдан пойлаб,
Мени кеча ўлдирди тушим.
Оқ қоғозга кўчди равшан туш,
Кўнгил оппоқ тонгдай ёришди.
Қуёшланган қайноқ вужудим
Тупроқ, кейин гардга қоришди.
Гоургонда қирларда изим,
Гиёҳ, гуллар розини айтди.
Куни кеча Сўфи Оллоёр
Боботоққа мен билан қайтди.
Тоққа қайтди, жами тирик зот,
Муродига тугал эришди.
Лапанглаган ҳайбар илонлар
Ин-инига қайтиб киришди.

МУҲДАРИЖА

Манзара	3
Шеърят	4
Каклик	7
Арча	8
Сурхондайрона суҳбат	9
Чертдим хаёт торини	10
Ҳақиқат	12
Истиқлол	13
Ёшлик	14
Тояни кўрдим	15
Тургайнам	16
Жон фидонгман	17
Тилаганим	19
Гулбахор чиқсин	21
Дакки	23
Сайёра	25
Юрагимнинг ёзуви	27
Хум	29
Давлатим	30
Чинор кўчати	31
Ўзгариш	32
Сугурги	33
Холмамат	34
Бизниюда	35
Шапка	36
Гулим	38

Туражон	40
Севги	41
Ўзбек асхари	42
Шоирликдан қурқаман	43
Гул	44
Меҳмоннинг туй табриги	45
Саидолим	47
Македон кўприк	48
Алломалар ўлмайди	50
Турмуш билан суҳбат	52
Тилак.....	53
Шўрча (баллада)	54
Гоургон (достон)	68

Хушбоқ РАҲИМ

ТОУРҲОН

Шеърлар, баллада, достон

Муҳаррир
Рустам МУСУРМОН
Дизайн устаси
Латиф ЗАМОН
Муҳаққик
Маҳмуда Ширинава

Теришга берилди 9.05.02 й. Босишга руҳсат этилди
5.07.02 й Бичими 84x108 ^{1/32} Офсет босма. Шартли
босма табоғи 4.0. Нашр босма табоғи 4.5. Адади
1000 нусxada. Баҳрси келишилган нархда.
Буюртма № 29

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт
жамғармаси нашриёти,
Тошкент шаҳри. Жавоҳарлял Неру кўчаси, 1.
«FIOT» МЧДда нашр этилди.
(Хусусий тадбиркор
Раҳимов Оқил орқали)